

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2020 йил 10 ноябрь куни жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, судья Я.Ниёзовнинг раислигида, Н.Сайидованинг котибалигида, томонлардан давлат айбловчиси – Бухоро транспорт прокурори ёрдамчиси М.Арашов, судланувчи Ш.Ҳасанов ва унинг химоячиси - адвокат Т.Ходжаев, судланувчи Г.Рамазонова ва унинг химоячиси - адвокат Ҳ.Жумаева, фуқаровий даъвогар А.Мўминовнинг иштирокида №1-2003-2001/63-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Ҳасанов Шермурод Остонақулович (Hasanov Shermurod Ostonaqulovich), 1983 йил 22 июль куни Бухоро вилояти Гиждувон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, бир нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Бухоро вилояти “Аму Бухоро ҳавза” бошқармасида мутахассис, Бухоро шаҳар, Шарқ-Юлдузи маҳалласи, Кўксарой кўчаси, 21-уй, 66-хонадонда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 5 октябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари, 209-моддаси 1-қисми ва 243-моддаси билан айбланган.

Рамазанова Гулжаҳон Шарифовна (Ramazanova Guljahon Sharifovna), 1981 йил 5 апрель куни Бухоро вилояти Бухоро шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Бухоро йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси бош мутахассиси, Бухоро шаҳар, А.Мушфиқий кўчаси, 65-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 6 октябрь куни олган,



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари ва 209-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчилар, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ш.Ҳасанов бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, мансаб мавқеидан фойдаланиб, ўзига ишониб топширилган ва унинг ихтиётирада бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш, ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб сохта расмий ҳужжатларни тузиш ва тақдим этиш жиноятларини содир қилган.

Чунончи, 2014 йил 15 сентябрдан 2017 йил 24 июлга қадар Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси раҳбари бўлиб ишлаган Ш.Ҳасанов, мансабдор шахс бўла туриб, мансаб мавқеидан фойдаланиб, турмуш ўртоғи фуқаро Х.Ҳасановнинг номига расмийлаштирилган, аммо ўзи норасмий раҳбари ҳисобланган “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти ва Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ўртасида умумий қиймати 60.335.900 сўм бўлган Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг маъмурий биносини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича 2016 йил 1 майда 6-сонли шартнома тузиб, мазкур шартномага асосан “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти томонидан бажарилган ишлар бўйича тузилган Шакл-2 ва Шакл-5 далолатномалари асосида Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамиятига жами 60.335.900 сўм миқдорида шартномада кўрсатилган пуллар тўлиқ тўлаб берилган бўлсада, у ўзганинг мулкани ўзлаштириш мақсадида бош ҳисобчи Г.Рамазанова билан ўзаро жинойий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, гўёки Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси бажарилган ишлар учун тўловни амалга оширмай келаётганлиги ҳақида “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти номидан 2017 йил 24 мартда Бухоро вилоят Хўжалик судига даъво ариза киритиб, даъво аризасида унитар корхонадан масъулияти чекланган жамияти фойдасига 60.335.900 сўм миқдоридаги қарздорликни ундириб беришни сўраб, бош ҳисобчи Г.Рамазанова билан сохта таққослаш далолатномасини расмийлаштириб, далолатномада унитар корхона масъулияти чекланган жамиятидан 60.335.900 сўм қарздор эканлигини кўрсатиб, ушбу сохта далолатномани даъво аризасига илова қилган ҳолда судга тақдим этиш орқали судни чалкаштириб, “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти фойдасига Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасидан 60.335.900 сўм миқдоридаги пулларни ундириш бўйича қарор қабул қилинишига ҳамда 2017 йил 6 апрелда Суд ижрочилар бўлими орқали мазкур пул маблағларни Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасидан тақдоран “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти



фойдасига ундириб олиншига эришган.

Судланувчи Г.Рамазонова, у бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, мансаб мавқеидан фойдаланиб, ўзига ишониб топширилган ва унинг ихтиётирада бўлган ўзганинг мулкани растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш, ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб сохта расмий ҳужжатлар тузиш ва тақдим этиш жиноятларини содир қилган.

Чунончи, 2014 йилнинг сентябрь ойидан 2019 йил март ойига қадар Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси бош ҳисобчиси бўлиб ишлаган Г.Рамазонова “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти ва Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ўртасида умумий қиймати 60.335.900 сўм бўлган Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг маъмурий биносини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича 2016 йил 1 майда тузилган 6-сонли шартномага асосан Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамиятига бажарилган ишлар учун жами 60.335.900 сўм миқдорида пуллар кўчирилганлигини ва улар ўртасида қарздорлик мавжуд эмаслигини била туриб, ўзганинг мулкани ўзлаштириш мақсадида унитар корхона раҳбари ва айни пайтда “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамиятининг норасмий раҳбари бўлган Ш.Ҳасанов билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, гўёки Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамиятидан 60.335.900 сўмлик қарзи борлиги ҳақида сохта таққослаш далолатномасини тузган.

Ўз навбатида Ш.Ҳасанов ушбу сохта таққослаш далолатномасини илова қилиб, 2017 йил 24 мартда Бухоро вилоят Хўжалик судига даъво ариза киритиб, даъво аризасида унитар корхонадан масъулияти чекланган жамияти фойдасига 60.335.900 сўм миқдоридаги қарздорликни ундириб беришни сўраб, судни чалкаштириб, “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти фойдасига Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасидан 60.335.900 сўм миқдоридаги пулларни ундириш бўйича қарор қабул қилинишига ҳамда 2017 йил 6 апрелда Суд ижрочилар бўлими орқали мазкур пул маблағларни Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасидан такроран “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти фойдасига ундириб олиншига эришган.

Судда сўроқ қилинган судланувчи Ш.Ҳасанов айбга қисман иқрорлик билдириб, 2014-2017 йиллар давомида Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасида бошлиқ бўлиб ишлаб юрган вақтида корхонанинг маъмурий биноси таъмирталаб аҳволга келиб қолганлигини, таъмирлаш ишларини бажариш учун “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти билан шартнома тузилганлигини, “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти ўзига тегишли эканлигини, ушбу жамиятни турмуш ўртоғи Х.Ҳасанова қандолат маҳсулотлари пишириб сотиш фаолияти билан шуғулланиши учун очганини, амалга оширилган қурилиш таъмирлаш ишлари бўйича 2016-2017 йилларда жами 60.300.000 сўм пул маблағи



кўчириб берилганини, бажарилган ишлар назорат ўлчовидан ўтказилганда ҳеч қандай камомад ва қўшиб ёзиш ҳолатлари аниқланмаганини, 2017 йил 20 мартдаги “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти ва Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ўртасида тузилган “акт сверки”ни бош ҳисобчи Г.Рамазанова билан бирга тузганини, 2017 йил март ойида “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамиятига суд орқали Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасидан 60.335.900 сўм ундириб олганлигини, шартномада кўрсатилган ишлардан ортиқча иш бажарилганлиги сабабли шундай йўл билан “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамиятига пул тушириб олганлигини, ўша вақтда турмуш ўртоғи билан даволаниш учун чет давлатга кетганлиги сабабли ҳужжатларни тўлиқ расмийлаштира олмаганлигини, Матиз русумли машинани “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти фаолиятида фойдаланиш учун сотиб олганлигини, етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканини билдириб, қонун доирасида енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судда сўроқ қилинган судланувчи Г.Рамазанова айбга қисман иқдорлик билдириб, Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасида бош ҳисобчи лавозимида 2014-2019 йилларда ишлаганлигини, Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси билан “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2016 йил май ойида тузилган қиймати 100.000.000 сўмлик шартномага асосан “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти томонидан унитар корхонанинг маъмурий биносида қурилиш-монтаж ишлари бажарилганини, МЧЖ томонидан бино тўлиқ қайта таъмирлаб чиқилганини, “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти томонидан бажарилган ишлар Ф-2 ҳужжатларига асосан 2016-2017 йилларда жами 60.335.959 сўмлик пул кўчириб берилганини, 2017 йил 20 мартдаги “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти ва Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ўртасида тузилган “акт сверки”даги имзони ўзи қўйганини, бухгалтерия ҳужжатларида унитар корхона жамиятдан қарз бўлиб кўринганлиги ва корхона раҳбари Ш.Ҳасанов қурилиш давом этишини айтганлиги сабабли акт сверкага жамиятдан қарздорлик борлигини ёзиб берганлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб унга нисбатан қонун доирасида енгиллик беришни билдириб кўрсатув берди.

Фукаровий даъвогар А.Мўминов Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасида ҳуқуқшунос вазифасида ишлаб келаётганини, унитар корхона собиқ раҳбари Ш.Ҳасанов томонидан “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамиятига ортиқча ўтказилган 60.335.900 сўм маблағни Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси фойдасига ундириб бериш ва айбдор шахсларга чора кўриш ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Қ.Ҳусенов Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси бош ҳисобчиси вазифасида ишлаб келишини, корхонада ўтказилган текширишда собиқ раҳбар Ш.Ҳасанов томонидан “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамиятига ортиқча пул маблағи



ўтказилганлиги аниқланганлигини, “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти ва унитар корхона ўртасида 100.000.000 сўмга маъмурий бинони таъмирлаш бўйича шартнома тузилганлигини, 2016 йил 31 декабрдаги 60.335.959 сўмлик бажарилган ишлар ҳисоб фактурасига асосан пул ўтказиб берилганлигини, бундан ташқари, Бухоро туман суд ижрочилар бўлими томонидан инкасса топшириқномаси билан 61.699.084 сўм маблағ ундириб олинганини, унитар корхона ва “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти ўртасидаги шартнома юзасидан 2016 йил 31 декабрдаги 60.335.959 сўмлик бажарилган ишлар ҳисоб фактура ва 2017 йил 25 майдаги 17.135.635 сўмлик бажарилган ишлар ҳисоб фактуралардан ташқари бошқа ҳисоб фактуралар мавжуд эмаслигини, ушбу ҳисоб фактуралардан келиб чиқиб, “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамиятининг унитар корхона олдидаги қарздорлиги 43.353.664 сўмни ташкил этиши ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Х.Ҳасанова судланувчи Ш.Ҳасанов турмуш ўртоғи бўлишини, “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамиятини миллий ширинликлар пишириб сотиш мақсадида ташкил этишганлигини, “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти ва Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ўртасидаги шартнома ва бажарилган ишлардан хабари йўқлиги ҳақида кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчиси ва ҳимоячиларнинг хулосасини, судланувчилар Ш.Ҳасанов ва Г.Рамазановнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, уларнинг жиноят содир этишдаги айби уларнинг иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, дастлабки тергов ва судда сўроқ қилинган фуқаровий давогар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, тақдим қилинган билдирги /1-жилд, и.в.4-5/, ҳужжатларни олиб кўйиш ҳақидаги қарор ва баённома /1-жилд, и.в. 149-185/, Бухоро вилоят Давлат молиявий назорати бошқармасининг текшириш далолатномаси ва хулосаси /1-жилд, и.в 194-300/, нарсани ашёвий далил деб топиш ва жиноят ишига кўшиш ҳақидаги қарор /2-жилд, и.в 218-219/, тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишида мавжуд бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ш.Ҳасанов у бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, мансаб мавқеидан фойдаланиб, ўзига ишониб топширилган ва унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш, ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб сохта расмий ҳужжатларни тузиши ва тақдим этганликда ифодаланган жинойий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари ва 209-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ш.Ҳасановнинг жинойий фаолиятдан олинган даромадларини легаллаштириш, яъни унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш мақсадида Бухоро вилоят Хўжалик судининг қарорига асосан Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасидан “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти фойдасига ундириб олинган 60.335.900 сўм миқдоридаги



маблағлардан 46.568.200 сўмини 2017 йил 14 июлда “GM Uzbekistan” акциядорлик жамиятига “Matiz Best” машинасини харид қилиш учун кўчириб, мазкур русумдаги автомашинани харид қилиб олганликдаги ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 243-моддаси билан ортиқча квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 2011 йил 11 февралдаги 1-сонли қарорининг 3-бандида ЖКнинг 243-моддаси мазмунига кўра, даромадларни легаллаштириш деганда, айбдор томонидан жиноий фаолият натижасида орттирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ўтказиш, алмаштириш, мулкка айлантириш йўли билан уларнинг келиб чиқишига қонуний тус берилиши тушунилиши лозимлиги, мулк объекти сифатида бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 169-моддасида назарда тутилган ҳар қандай мулк бўлиши, бундай мулкка қонуний тус бериш пул маблағлари ёки бошқа битимлар амалга оширишда ифодаланиши, молиявий операцияларга капитал маблағларни ҳаракатлантириш юзасидан амалга ошириладиган операциялар, жумладан, пул маблағларини ҳисобга киритиш, уларни турли банклардаги жамғарма ҳисобварағларига бўлиб жойлаштириш, бошқа валютага ўтказиш, қонунсиз топилган пулларга қимматли қоғозлар сотиб олиш, пул маблағларини банкдаги жамғарма ҳисобварағига қайтариш мақсадида чегарадан ташқарига чиқариш ва ҳоказолар кириши, қарорнинг 5-бандида эса судлар даромадларни легаллаштиришни жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жиноятидан фарқлашлари лозимлиги, жиноят натижасида топилган мулкни олиш ёки ўтказиш, агар бундан мулкка қонуний эгалик кўриниши берилмаётган бўлса даромадларни легаллаштириш таркибини ташкил этмаслиги, ишнинг муайян ҳолатларидан (жумладан, талон-торож қилинган мулк билан амалга оширилган битим олдида қўйилган мақсаддан) келиб чиққан ҳолда бундай ҳаракатлар ўзганинг мулкни талон-торож қилишда иштирокчилик (ёрдамчи шаклида) сифатида квалификация қилиниши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ, дастлабки тергов органи томонидан қонун талаблари ва Олий суд Пленум қарори талабларига риоя қилинмаган кўринади.

Суд мажлисида аниқланган ишнинг ҳақиқий ҳолатларига кўра, Ш.Ҳасанов “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти фойдасига Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг 60.335.900 сўм миқдоридаги пулларни ўзлаштириб, “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти фаолиятида фойдаланиш мақсадида Matiz Best русумли автомашина сотиб олган, унинг жиноий йўл билан топилган пулларни келиб чиқишига қонуний тус бериш қасди бўлмаган, жумладан “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти ҳисоб рақамига келиб тушган пуллар билан молиявий операциялар ёки битимлар амалга оширилмаган, хусусан, уларни банклардаги жамғарма кассаларига жойлаштириш, бошқа валютага ўтказиш, қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш каби ҳолатлар содир этилмаган.



Бундай ҳолатда Ш.Ҳасановнинг ўзлаштириш йўли билан кўлга киритган пул маблағларини ўз эҳтиёжи учун ишлатиб, автомашина сотиб олганлик ҳолатини жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш деб баҳолаб бўлмайди.

Шу сабабли суд Ш.Ҳасановнинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 243-моддасини чиқаришни лозим топади.

Бундан ташқари, Ш.Ҳасановга Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасидан 60.335.900 сўмни ўзлаштирганлиги бўйича айб эълон қилинган бўлсада, судда ишни кўриш жараёнида “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамиятининг унитар корхона олдидаги қарздорлиги 43.353.664 сўмни ташкил этиши аниқланган.

Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ва “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти ўртасида тузилган 2016 йил 1 майдаги 6-сонли шартномага кўра жами 120.825.258 сўм тўлов амалга оширилган.

Бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаларига ва ҳисоб варақ-фактураларга кўра “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти томонидан 77.471.594 сўмлик ишлар бажарилган.

Бундай ҳолда суд “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти норасмий раҳбари Ш.Ҳасанов томонидан 43.353.664 сўм ўзлаштирилган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ш.Ҳасановнинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ва жиноят оқибатида етказилган зарар қопланганлигини ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолайди.

Суд, судланувчи Ш.Ҳасановнинг ҳаракатида ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ш.Ҳасановга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг шахси, муқаддам судланмаганлиги, оилавий шароити, қарамоғида бир нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, жиноят оқибатида етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги ҳамда жазони енгиллаштирувчи барча ҳолатларни инобатга олиб, ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, иш фаолияти билан боғлиқ ҳолда жиноят содир этилганлиги сабабли ЖКнинг 45-моддасига асосан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 209-моддаси 1-қисми билан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил жазо тайинлашни лозим топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Г.Рамазонова бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, мансаб мавқеидан фойдаланиб, ўзига ишониб топширилган ва унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг



мулкани растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш, ғаразғўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб сохта расмий ҳужжатлар тузиш ва тақдим этганликда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари, 209-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Г.Рамазанованинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, аёллиги, муқаддам судланмаганлиги ва жиноят оқибатида етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолайди.

Суд, судланувчи Г.Рамазанованинг ҳаракатида Жиноят кодекси 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Г.Рамазановага нисбатан жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, ишни судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги ва шахс ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги, судланувчининг аёллиги, муқаддам судланмаганлиги, оилавий ва моддий аҳволи, жиноят содир этилишидаги роли ва иштироқи, Бухоро вилоят йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси томонидан ижобий тавсифланишини инобатга олиб, ЖКнинг қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик тамойилларига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли қарори раҳбарий кўрсатмаларига амал қилиб, Г.Рамазановани Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари ва 209-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топишни ва ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилишни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 2-бандига кўра “Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи ҳар доим ҳам жазо қўлланилиши шартлигини англабмайди.

Шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозим”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасида жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилаётган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлилигини йўқотди деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкинлиги қайд этилган.

Шунингдек, суд жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш тўлов мақсади билан Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Бухоро вилоят



худудий бўлимнинг депозит ҳисоб рақамига тўланган 43.353.664 сўм пулни Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ҳисобига ўтказишни;

жиноят оқибатида етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини инобатга олишни;

иш бўйича хатланган ва Ѓиждувон туманидаги “Бумеранг” хусусий корхонасига қарашли автотураргоҳда сақланаётган Matiz Best русумли автомашинани “Stimul Srtoy Servis” масъулияти чекланган жамиятига қайтаришни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468-моддаларини қўллаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорини раҳбарликка олиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Ҳасанов Шермурод Остонақулович (Hasanov Shermurod Ostonaqulovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари ва 209-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Ҳасанов Шермурод Остонақулович (Hasanov Shermurod Ostonaqulovich)га ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 /бир/ йил муддатга давлат улуши бўлган корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ ишларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этган ҳолда ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 1 /бир/ йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ҳасанов Шермурод Остонақулович (Hasanov Shermurod Ostonaqulovich)га ЖКнинг 209-моддаси 1-қисми банди билан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 1 /бир/ йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ЖКнинг 59-моддасига асосан Ш.Ҳасановга тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил 1 /бир/ йил муддатга давлат улуши бўлган корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ ишларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этган ҳолда ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 1 /бир/ йил 6 /олти/ ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати Ш.Ҳасанов корхонада иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин. Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш жазосини ўташ муддати ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижроси ҳукм ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойда ўтаттирилсин.

Ҳукмнинг ижроси Бухоро шаҳар ИИО Пробация гуруҳи зиммасига



юклатилсин.

Ш.Ҳасановга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Рамазанова Гулжаҳон Шарифовна (Ramazanova Guljahon Sharifovna) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари ва 209-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Рамазанова Гулжаҳон Шарифовна (Ramazanova Guljahon Sharifovna) ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилинсин.

Г.Рамазановага нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш тўлов мақсади билан Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Бухоро вилоят ҳудудий бўлимининг депозит ҳисоб рақамига тўланган 43.353.664 сўм пул Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ҳисобига ўтказилсин.

Жиноят оқибатида етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Иш бўйича хатланган ва Ёиждувон туманидаги “Бумеранг автотранс техсервис” масъулияти чекланган жамиятига қаршли автотураргоҳда сақланаётган Matiz Best русумли автомашина “Stimul Stroy Servis” масъулияти чекланган жамияти (Ш.Ҳасанов)га қайтарилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида, жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

/имзо/

Я.К. Ниёзов

Нусхаси аслига тўғри

Маъсул судья: Ниёзов Яшин Комилжонович

